


Бухоро декларацияси БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тан олинди



16-20 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган “Декларациялар мулоқоти” халқаро форуми иштирокчилари томонидан қабул қилинган Бухоро декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эътироф этилди.

Ҳужжат БМТнинг олти расмий тилига – инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларига таржима қилиниб, БМТнинг барча аъзо давлатлар, ихтисослашган муассасаларига тарқатилган.

Бухоро декларацияси маърифат ва бағрикенглик маданияти ғояларини илгари суриш, турли дин вакилларининг миллий анъаналарини ҳурмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, конструктив мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган.

Манба